

КЕНЖАЕВ Дилшод Муталибович
 Бухоро инновация университети доценти
 тарих фанлари номзоди (PhD)
dilshodmk77@gmail.com

ЖАДИДЛАРНИНГ ДИНИЙ ВА МИЛЛИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ

РЕЛИГИОЗНАЯ И НАЦИОНАЛЬНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ ДЖАДИДОВ

RELIGIOUS AND NATIONAL TOLERANCE OF THE JADIDS

Аннотация. Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда вужудга келган миллий тараққийпарварлар ҳаракати – жадидчилик ҳаракати вакилларининг жамиятни маънавий ислоҳ қилиш борасидаги фаолияти, миллий зиёлиларнинг жамиятдаги долзарб муаммоларни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ҳал этиш, уларнинг ватандошлари ўртасида диний ва миллий бағрикенгликни тарғиб этишда таянган тамойиллари таҳлили амалга оширилган.

Калим сўзлар: миллий тараққийпарварлар, жадидчилик, ислом, миллий қадрият, диний бағрикенглик, жамият, дунёқараиш.

Аннотация. В данной статье анализируется деятельность представителей национально-прогрессивного движения – движения джадидов, возникшее в Средней Азии в конце XIX - начале XX века, усилия которых было направлено на духовное реформирование общества, решению текущих проблем на основе общечеловеческих и национальных ценностей, а также пропаганды религиозной и национальной толерантности среди соотечественников.

Ключевые слова: национальные прогрессисты, джадидизм, ислам, национальные ценности, религиозная толерантность, общество, мировоззрение.

Annotation. This article analyzes the activities of representatives of the national progressive movement - the Jadid movement, which arose in Central Asia in the late 19th - early 20th centuries, whose efforts were aimed at the spiritual reform of society, solving current problems on the basis of universal and national values,

as well as promoting religious and national tolerance among compatriots.

Key words: national progressives, Jadidism, Islam, national values, religious tolerance, society, worldview.

КИРИШ

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда жаҳон интеграция жараёнлари таъсирида мустамлакачилик қатъий тузумига қарамай, ижтимоий-сиёсий силжишлар рўй берди ва бу миллий тараққийпарвар зиёлилар – жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ҳамда ривожланишига тўртки бўлди. Ушбу мавзудаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тараққийпарвар ҳаракат миллий ўзлиқни англашнинг кучайишига кучли тўртки бўлди. Миллий зиёлиларнинг мақсади жамиятдаги долзарб муаммоларни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ҳал этиш, ижтимоий тараққиётнинг кейинги йўлини излаш эди.

АСОСИЙ ҚИСМ

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиё хонликларининг Россия томонидан босиб олинishi, бир томондан, минтақанинг Россия империяси мустамлакаси ва хомашё базасига айланиши натижасида юзага келган ижтимоий-сиёсий ва маданий инқироз, иккинчи томондан, тарқоқлик, иқтисодий турғунлик, ривожланган давлатлар билан изчил алоқаларнинг йўқлиги, аҳолининг диний консерватизми ва таълимда диний схоластиканинг ҳукмронлигига олиб келди. Бу даврнинг етакчи намоёндалари мазкур салбий ҳодисаларнинг моҳиятини яхши англаган ҳолда, усули-жадидни, яъни “янги усул”ни жорий этишга киришиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ва айниқса, маданият соҳасида уни инқироздан олиб чиқишга интилдилар. Ҳаракатнинг номи ҳам – жадидчилик (“жадид” янги деган маънони англатади) шундан келиб чиққан. Дарҳақиқат, бу, айниқса, маънавият, диний-маърифий соҳаларда туб ўзгаришларга чакирувчи янгича фикрлаш тарзи эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тарихни, яна ҳам аниқроғи, маърифатпарварлик ҳаракати тарихини ҳолис ўрганиш зарурлигига тўхталиб:

“Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз кураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир” [18:1], деб таъкидлади.

XIX аср охиридан 1917 йилгача жадиличлик маърифатпарварликдан кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Маданий қолоқлик, жамоатчилик онгидаги турғунлик жадиждарни ўша инқирозли вазиятдан чиқиш йўлини излашга ундади. Жаҳон тараққиёти тажрибасига асосланиб, маърифат долзарб муаммоларни ҳал этишда бошланғич босқич бўлди. Бу тараққиёт учун курашнинг биринчи босқичи эди.

Жадиждар Шарқ ва Ғарбнинг маданий ютуқларини ўзлаштиришга интилдилар. Жадиждар мафкурасида диннинг шахс маънавий камолоти ва жамият тараққиётидаги ролини тўғри тушуниш масаласи муҳим ўрин тутган. Ушбу долзарб муаммони ҳал қилмасдан туриб, бошқа муаммоларни ҳал қилиш мумкин эмас эди, чунки уларгача ислом динидан мутааасиб руҳонийлар жамиятда мавжуд бўлган барча салбий иллатларни оклаш учун фойдаланганлар. Жаҳон стандартларига яқин таълим олиш ҳуқуқини исломий асосламай туриб, таълимнинг янги шакллари жорий этишнинг иложи йўқ эди. Шу боис миллий тараққийпарварлар диний тушунчаларни ислоҳ қилишга, Қуръонга таяниб, уларни схоластикадан тозалашга ҳаракат қилдилар. Диний бағрикенглик ғоялари намояндалари бўлган жадиждар ўзларининг диний ва дунёвий билимлари, кенг дунёқараши ва интилишлари билан тўлиқ маънода миллий тараққийпарварлар эдилар. Жадиждарнинг кўзга кўринган вакиллари нафақат мадрасаларни битирган, балки диний рутбага ҳам эга бўлган. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий муфтийлар сулоласига мансуб бўлиб, ўз вақтида Самарқандда муфтийлик қилган[6:4]. Мунаввар Қори Абдурашидхонов ҳам мадрасада ўқишни тугатгандан сўнг Тошкент шаҳридаги Дархон жоме масжидида имомлик қилган[7:105].

Иҳоқхон Ибрат Тўрақўрғонда қози бўлиб хизмат қилган[15:3]. Бабоохун Салимов шайх ул-ислом эди[20:18].

Жадиждар бошқа динларга нисбатан бағрикенг ва ҳурматда бўлиш зарурлигини тушунтирдилар. Бунинг учун улар ўз асарларида тез-тез Европа ва Осиё тарихига мурожаат қилиб, икки маданият ва жаҳон динлари ўртасидаги муштарак нуқталарини кўрсатганлар.

Ҳар қандай кўпмиллатли давлатнинг тараққиёти ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ва сиёсий асослар, маънавий мезонлар билан бирга, кўп жиҳатдан, этник жамоалар ва диний конфессиялар ўртасидаги тотувликка боғлиқ.

Зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик ва ислом таълимотлари мавжуд бўлган Марказий Осиёнинг ривожланиш тажрибаси бу ҳудуднинг ўзига хос динлараро бағрикенглик ўчоғи бўлганлигини кўрсатади. Д.А. Алимова таъкидлаганидек: “Инсоният тарихи деярли барча босқичларида турли минтақалардаги турли маданиятларнинг ўзаро таъсири билан ривожланиш жараёнларини бошидан кечирган. Дунёнинг икки қисмга бўлиниши – “Христиан Европа” ва “Мусулмон Шарқи”, ўз навбатида, иккала қисмнинг маданиятига ҳам катта таъсир кўрсатди” [5:15].

Динлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг тарихий анъаналари замонавий Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга асос бўлди. Республика тараққиётини тавсифловчи муҳим жиҳатлардан бири жамиятда ҳар бир инсон, ҳар бир эътиқод ва маданият ўзининг индивидуаллиги ва ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда, ички маънавий қадриятларни ривожлантириш орқали ҳар томонлама ривожланиш имкониятига эга бўладиган шароитларни яратишга интилишдир. Бу соҳада дин ўзбек жамияти маънавий ҳаётида ҳаётбахш рол ўйнай бошлади, мамлакат аҳолисининг турмуш тарзига фойдали таъсир кўрсата бошлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, ҳақиқий ислом ҳар доим бошқа динларга нисбатан бағрикенглик билан ажралиб туради. Бу ҳақиқатни, хусусан, Тошкент ва Ўрта Осиё митрополити Владимир ҳам таъкидлаб ўтган:

“Мусулмонларнинг Оллоҳи – насронийлар сиғинадиган ягона Худо, оламнинг яратувчиси ва ҳукмдори. Худди биз каби мусулмонлар ҳам Яратганнинг қудрати ва илмига, раҳмати ва адолатига ишонадилар. Қуръон худди Инжил каби қадимги Одам авлоди ва пайғамбарларни улуғлайди. Имонга етакловчи дунёвий, ахлоқий фазилатлар насронийликда ҳам, исломда ҳам деярли бир хил. Христианлик кўпинча муҳаббат дини, ислом эса адолат дини деб аталади” [1:12]. Юқорида айтилганлар динлараро тотувликка эришишда тарихий тажрибани ўрганиш зарурият ва имконият эканини англатади.

Мавжуд глобал муаммоларнинг ўзгарувчанлиги нуктаи назаридан динлараро бағрикенглик масаласи янада долзарб бўлиб бормокда. Диний матнларни изчил ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг деярли барчасида диний бағрикенгликка оид алоҳида қоидалар мавжуд. Шу маънода ислом ҳам бундан мустасно эмас. Қуръони каримда турли диний қарашлар ва мафкуравий позицияларга эга бўлган шахсларга нисбатан диний бағрикенгликни сингдиришга алоҳида эътибор қаратилган. Қуръонда муҳолифатга нисбатан бағрикенгликка даъват турли шаклларда ифодаланган. Айрим оятларда диннинг ихтиёрий эканлиги ва мажбурлаш йўқлиги таъкидланган [17:2:256]. Бошқаларида эса мусулмонлар бошқа дин вакиллари томонидан етказилган ҳақоратларни кечиришга даъват этилади. Муқаддас Китобнинг баъзи ўринларида бошқа дин вакиллариининг мақтовга лойиқ фазилатлари санаб ўтилган: ““Аҳли китоблар орасида шундайи (ҳам) борки, унга катта миқдордаги пулни омонат берсанг, сенга (ҳиёнатсиз яна) қайтаради” [17:3:75]. Қолаверса, Қуръони каримда мусулмонларга ўзларидан паноҳ сўраганларга, гарчи, улар Ислом динига эътиқод қилмасалар ҳам, уларни инкор этмасликка буюрилади: “Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин” [17:9:6].

Минтақанинг тараққийпарвар миллий зиёлилари инсон онгига бостириб қираётган кўп қиррали дунё уни янги маънавий таянчлар ва тарихий реал полиэтник ва кўп конфессияли воқелик билан алоқа қилишнинг бошқа, янада

оқилона тамойилларини излашга мажбур қилишини тушунди. Улар ўзларининг диний ва дунёвий билимлари, тараққиётга интилишлари билан диний бағрикенглик ғояларини қўллаб-қувватлаганлар. Бу тамойил асосий вазифа – Европа халқларининг маданият ва техника соҳасидаги ютуқларини ўзлаштиришни амалга оширишда асосий аҳамиятга эга эди. Улар бу тажриба Марказий Осиёни турғунликдан олиб чиқишга ёрдам беради, деб ҳисоблашган. Бунинг учун жадидлар, энг аввало, ислом ва тараққиётнинг уйғунлиги, жамият ва инсон тараққиётининг ўзаро боғлиқлиги муаммосига мусулмон динининг муносабатини назарий жиҳатдан асослаб беришлари керак эди. Ушбу мавзудаги кўплаб китоблар жадидларнинг бағрикенглик ҳақидаги қарашларининг жуда изчил концепциясини яратди. Улар, энг аввало, бу ғоя диний таълимотлар, хусусан, исломга хос эканлигини исботлашга уриндилар. Ўрта Осиё жадидчилигининг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий ўз ишини учта асосий жаҳон динини тавсифлашдан бошлади. У барча халқ ва миллатларнинг бирлигини тавҳидда кўрди. “Маърифатли, тўғри йўлни топган, Аллоҳни тенгсиз ва ягона деб билган қавмлар яккахудочилардир. Аллоҳ таолони бир деб ҳисобламай, унга ширк келтирувчи қавмларни эса мушриклар ёки бутпарастлар дейилади” [11:245], деб ёзади ва уларни турли динларга эътиқод қилувчи уч тоифага ажратади. “Улардан биринчиси, – деб таъкидлайди М.Бехбудий, – Муҳаммад алайҳиссаломни Аллоҳнинг пайғамбари ва элчиси деб тан олганлар, ислом тарафдорлари – мусулмонлардир”. Унинг маълумотларига кўра, XX аср бошларида бу диннинг 300 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор эди [11:245].

М.Бехбудий 400 миллион киши сиғинадиган иккинчи гуруҳ – насронийларни тавсифлаб, дунёда насронийлардан кўра кучли ва дунёвий маълумотли конфессиявий жамоа йўқлигини таъкидлайди.

Яҳудийлар – Мусо пайғамбар издошларининг сони XX аср бошларида 10 миллиондан ошганини, улар деярли барча мамлакатларда кичик жамоаларда яшашини, лекин ўз давлатчилигига эга эмаслигини

таъкидлади[11:246]. М.Бехбудий ана шундай содда йўл билан барча динларга ҳурмат уйғотишга ҳаракат қилиб, мусулмонлар Қуръони карим билан бирга бошқа муқаддас китобларни ҳам ҳурмат қилишлари керак, деб ҳисоблайди. Туркистоннинг кўп миллатли жамияти юксак даражада эканлигини, шунингдек, турли дин вакиллари ўртасида тинчлик ва тотувликни сақлаш муҳимлигини ҳисобга олиб, жадидлар вакили бўлган миллий ватанпарварлар мусулмонларнинг насронийлар, яҳудийлар ва бошқалар билан бирлиги ва дўстлигини олқишлаштини исботлашга ҳаракат қилдилар.

Шундай қилиб, ислохотчилар дунёнинг конфессионал ҳолатининг ранг-баранг манзарасини чизиб, тор диний доирага қарши курашдилар, Туркистоннинг барча халқларини бирлаштиришга, ички келишмовчилик ва қарама-қаршиликлардан халос бўлишга интилдилар. Шу муносабат билан М.Бехбудий ёзади: «Бизга, энг аввало, қадимчилар ва жадидлар ўртасидаги қарама-қаршиликдан воз кечиб, ягона иттифокқа эришиш керак. Биз Туркистон мусулмонлари маҳаллий руслар, яҳудийлар ва бу ерда яшовчи барча миллат вакиллари билан бирликда ўзларининг Туркистон ҳукуматини ташкил этишларини, Туркистонда яшайдиган барча яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар манфаатига қаратилган қонунлар ишлаб чиқилишини истаймиз... Бирлашсак, дин, миллат, Ватан тараққиёти бўлади. Бугун биз, мусулмонлар, русларга қараммиз. Ўзимизнинг қарашларимизда бирдамлик йўқлиги туфайли мустамлакамиз»[13:1].

Ҳаракатнинг яна бир кўзга кўринган вакили Абдурауф Фитратнинг ғоялари куйидаги тамойилга асосланган эди: “Одамлар турли динларга эътиқод қилсалар ва турли мамлакатларда яшасалар ҳам, турли қабила ва элатларга мансуб бўлсалар-да, уларнинг барчаси бир инсон авлодининг фарзандларидир. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг барчаси биродардир. Агар шундай бўлса, унда улар бир-бирларининг қадриятларини севишлари ва ҳурмат қилишлари ҳамда умумбашарий бахтга даъват қилишлари керак. Қачонки, улар умумбашарий бахтни яратишга муваффақ бўлишса, фаровонлик келади»[21:159].

А.Фитрат ўзининг “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли муддариснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси” ва “Ҳинд сайёҳининг ҳикоялари” асарларида биродарлик ва бошқа динларга ҳурмат ғоясини очиб берган, бошқа халқлар тажрибасидан фойдаланиш ва тараққиётга эришиш зарурат, деб таъкидлади. Қуръон ва ҳадисни бирдек яхши биладиган европалик ва ҳинду, насроний ва мусулмон тилидан XIX аср охири – XX аср бошлари Туркистон ва Бухоронинг таълим тизимида, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига баҳо берди. Бу мақсадга эришиш учун ажойиб адабий восита эди. Шундай қилиб, унинг қаҳрамонларидан бири европалик (фаранг) мусулмонларнинг ҳам, европаликларнинг ҳам исломга муносабатини куйидагича тавсифлайди: “Биз европаликмиз, гарчи, сизларнинг динингизга муҳолиф бўлсак-да, Қуръон ва ҳадисни диний адоват талаб қилганидек, ўтда ёқиш ўрнига, билимга чанқоқимизни қондириш учун улардан манфаатимиз нуқтаи назаридан фойдаланишни ўргандик. Аҳкомларни ўрганиб, ғайриоддий муваффақиятларга эришдик. Сизлар (мусулмонлар) эса, жаҳолатда қолиб, инқирозга юз тутдингиз. Қуръоннинг муборак сўзлари ва анъаналаридан фойдалана олмадингиз”[23:49]. Хўш, европаликлар ислом тамойилларини ўзлаштириб, юксак ижтимоий тараққиётга эриша олган бўлса, нега мусулмонларнинг ўзлари ўз таълимотлари самарасидан фойдалана олмадилар деган саволни қўяди А.Фитрат. Мусулмонларнинг фожиаси, асар муаллифининг фикрича, улар ҳақиқий эътиқодга эмас, балки асрлар давомида исломни атай бузиб келганларнинг ақидаларига эътиқод қўйганларидадир. Европа халқларининг ислом динига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганларини кўрсатган А.Фитрат ўз ватандошларига ҳам диндошларига, ҳам бошқа халқларнинг маданияти, урф-одат ва анъаналарига нисбатан бағрикенглик, инсонпарварлик туйғуларини сингдиришга ҳаракат қилди.

Ўз даврининг етук педаголаридан бири А.Авлоний диний бағрикенглик мавзусини ривожлантирар экан, “Туркий гулистон ёхуд

ахлоқ” асарида инсоннинг ижобий ва салбий фазилятларини тавсифлаб, нафақат машҳур мусулмон мутафаккирларининг фикрлари, балки Аристотел, Афлотун, Букрот ва Сукрот ҳукмларига ҳам таянади[2:34-91].

Муаллиф таъкидлаганидек, мусулмон таълимоти исломга эътиқод қилмайдиганларга нисбатан ноҳақ ҳақорат қилишни, айниқса, уларнинг кадр-қиммати, мулки ва ҳаётига тажовуз қилишни тақиқлайди. Унинг фикрича, Куръони карим ва Ҳадисдаги кўрсатмалар бутунлай жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, турли маданият ва цивилизациялар ўртасида мулоқот ва ўзаро ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш, шунингдек, жамиятдаги вазиятни беқарорлаштирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган[2:84].

Жадидлар ўзга динга эътиқод қилувчи олимларнинг асарларини ўрганиш асло гуноҳ эмаслигини, диний келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар қандай тажрибадан фойдаланиб илм-фан билан шуғулланишни ислом дини маъқуллашини тушунтиришга ҳаракат қилган. А.Фитрат, хусусан, насроний олимлар ўрта асрлар мусулмон мутафаккирлари асарларидан ўрганилиши шарт бўлган “илмлар асосини” олганлигини ёзган. Умуман, илмнинг динга ҳам, миллатга ҳам алоқаси йўқ. “Буни ўзлаштирган ҳар қандай одам муваффақиятли ривожлана олади” [23:92].

Билимлар ривожига Ғарб ва Шарқнинг узвийлиги жадидларнинг асосий ғояларидан биридир. “Ойна” журналида мақола чоп этган Айн (афтидан, таҳаллуси) дунёвий таълим диний қарама-қаршиликка қарши курашнинг ягона воситаси деб ҳисоблаган. У ўз ватандошларини илм-фанни мусулмон ёки русга бўлмасликка, эришилган ютуқлар кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, дин ва миллат учун фойдали бўлган ҳамма нарсани кетма-кет ўрганишга чақирди[3:976-977].

Тараққийпарвар миллий зиёлилар “фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштирмаган халқлар сувсиз четда қолган ўсимлик каби жаҳон цивилизациясидан ортда қолишини англадилар[5:17]. Шунинг учун улар Ўрта Осиё халқларини илм-маърифат ёрдамида ҳақиқий дин ва миллий ғурур кўрғонига айланиши

керак бўлган ўзларининг моддий ва маънавий қадриятларини бойитишга чақирдилар. Шу билан бирга, маърифатпарварлар бировнинг йўлини кўр-кўрона кўчиришга чақирмади, биринчи навбатда, миллий тажрибага уйғун кўшимча бўлиши мумкин бўлган глобал цивилизациянинг энг яхши ютуқларини танлаш зарурлигини таъкидлади.

Шундай позицияни М.Бехбудий ижодида кузатишимиз мумкин. Муаллиф ўз мақолаларидан бирида шундай савол беради: “Туркистон давлат ва жамоат органларини асосан аҳолининг мусулмон бўлмаган мухожирлари ташкил этар экан, туб аҳоли эса паст интеллектуал фаолият билан шуғулланишга мажбур бўлишининг сабаби нимада?”[12:245-247] Бунинг асосий сабабини яна маҳаллий аҳолининг таълим-тарбия тизимидаги камчиликларда кўрди. М.Бехбудий бағрикенгликни, энг аввало, конфессиявий ва этникликни аҳоли маърифатини ошириш воситаларидан бири деб ҳисоблаган. У турли халқлар вакиллари тинч-тотув яшаган давлатларни мисол қилиб келтирди.

А.Фитрат “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида мусулмонларнинг жоҳилликлари туфайли ислом тамойилларига бевосита зид бўлган турли тотемларга сиғинишлари ҳақида бир қанча мисоллар келтирган. Ўша даврда баъзи бухороликлар хоч тақиб юрганлари учун насронийларни бутпарастлар деб аташган. “Йўқ, улар бутга сиғинувчилар эмас, улар китоб аҳлидурлар”, деб ёзган эди А.Фитрат, гўё ҳинд сайёҳи номидан. – “Сиз бут деб айтган бу сурат хоч шакли бўлиб, насронийларнинг эътиқодига кўра, Исо пайғамбар танига теккани учун табаррук бўлган ... Сизлар бошқаларни хочга сажда қилганликлари учун кофир деб атайсиз, ўзингиз бўлса мазорларда ялов чўпларига сажда қилиб, ҳожатингиз иложини Баҳовуддиндан сўрайсиз ва яна ўзингизни мусулмонман деб айтасиз”[22:105-106].

Бундай мисоллар, жадидлар фикрича, мусулмонлар онгига бошқа динлар ва уларнинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини етказишнинг энг мақбул йўли бўлиб, тараққиётнинг зарурий шarti эди.

Марказий Осиёнинг ўша даврдаги реал геосиёсий вазиятда Ғарб цивилизацияси ютуқларидан фойдаланиши дастлаб фақат Россия орқали амалга оширилиши мумкин эди.

М.Бехбудий Самарқанд муфтийси сифатида “Ойна” журнали саҳифаларида “Таҳсил ва сафар замони ва таом”[12:245-247] номли мақоласида диний ҳаётнинг бир қатор мунозарали масалаларини ҳал этишга ҳаракат қилган. Рус маданиятига яқинлашишга муҳолифда бўлганларнинг асосий далилларидан бири мусулмонларга рус ошхонасидан тановул қилишни тақиқлаш бўлган. М.Бехбудий куйидаги ҳадисни келтирган: “Пайғамбаримиздан “яқин атрофда яшовчи кофирлар томонидан сўйилган ҳайвонларнинг гўштини тўғридан-тўғри ейиш мумкинми, деб сўрашганда, у зот “Бисмиллаҳир роҳманир-рахим” сўзидан кейин мусулмонларга татиб кўришга рухсат” деганлар”[12:246]. Албатта, бу ҳадис фақат бошқа озиқ-овқат бўлмаган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин эди. Германиялик тадқиқотчи И.Балдауфнинг фикрича, М.Бехбудий либерал позицияда бўлган, у умуммаданиятни устун кўрган ва шу сабаб, ўз халқининг тараққиёти учун либерал йўналиш тарафдори бўлган[9:46-47].

Фарғона жадидчилиги вакили Исҳоқхон Ибротнинг дунё бўйлаб – Қора денгиз соҳиллари, Ҳиндистон, Хитой ва Россияга қилган саёҳатлари изсиз ўтмади, Туркистоннинг техник ва маданий қолоқлигини кўрсатди[8:14]. Бундай қолоқликнинг сабаби, унинг фикрича, энг аввало, мусулмонларнинг Аллоҳ таолонинг асосий амри – илм ривожини бажара олмаганлигидир. Иброт диний илмлар ўрнини бефойда схластика ва ақидапарастлик эгаллаганини таъкидлади. Ўз нуқтаи назарини Қуръон оятлари ва ҳадисларга асослаб, у насронийлар томонидан ишлаб чиқарилган бўлса ҳам, мусулмонлар технологик янгиликлардан фойдаланишлари шарт деб ҳисобларди[16:9-12].

Туркистоннинг туб аҳолиси орасида жуда машҳур бўлган жадид газеталари бағрикенгликни тарғиб қилишда катта рол ўйнаган.

Миллий матбуот тарихи 1906 йил 27 июнда И. Обидов (Ғабидов) бошчилигидаги Тошкент тараққийпарварлари ўзбек тилида биринчи “Тараққий” газетасини чоп этилишидан бошланди. Ўша йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Мунаввар Қори Абдурашидхонов муҳаррирлиги билан “Хуршид” газетасини нашр эта бошлади. 1907 йил декабрда А.Авлоний “Шухрат” газетасини чиқаришга рухсат олди, 1908 йил бошидан А.Бектемировнинг “Осиё” ва С.Саидазимбоевнинг “Тужжор” [24:520] газеталари нашр этилди. Бироқ бу босма нашрларнинг барчаси мустамлака маъмуриятининг буйруғи билан тез орада ёпилди[14:30].

Агар дастлаб миллий тараққийпарварлик ҳаракатининг босма нашрлари фақат Тошкентда фаолият кўрсатган бўлса, 1912 йилдан бошлаб Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам газеталар чиқа бошлади. Шундай қилиб, Бухорода Мирзо Жалол Юсуфзода асос солган “Бухорои шариф”, Ғ.Ҳусайний муҳаррири бўлган “Турон” газеталари нашр этилди. 1913 йилда Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий “Самарқанд” газетасини, ёпилгандан кейин эса “Ойна” журналин чиқара бошлади. 1914–1915 йилларда Тошкентда “Садои Туркистон” (муҳаррири У.Хўжаев), Фарғонада “Садои Фарғона” (муҳаррири О.Маҳмудов) газеталари нашр этилди[24:520].

Миллий даврий нашрлар саҳифаларида миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенгликни тарғиб этишга катта эътибор қаратилди. Масалан, 1906 йил “Тараққий” газетасида эълон қилинган “Тошкент, 12 август” мақоласида миллатлараро адоватни қўзғашнинг ҳар қандай усулларига кескин қарши чиқилди[19:1].

Манбаларда кўрсатилишича, жадидлар нафақат бағрикенг бўлишига, тил ва маданиятни, дунё халқлари тарихини ўрганишга чақирган, балки билим фуқаролик ва бошқа соҳаларда ҳам муваффақият олиши бўлишини ўз мисолида кўрсатишга ҳаракат қилган. Миллий-тараққийпарварлик ҳаракати вакиллариининг аксарияти бир неча Шарқ ва Европа тилларида сўзлашган. Бу билим уларга Шарқ ва Ғарб олимларининг илмий-фалсафий

асарларини асл нусхада ўқиш имкониятини берди. Ғарб маданиятини ўрганишнинг ғайратли тарафдорларидан бири Исҳоқхон Ибрат бўлиб, у ўз она тили – ўзбек тили билан бир қаторда араб, форс, ҳинд, турк, инглиз, француз ва рус тилларини билган, қадимги финикия, форс, сурия, юнон ва иврит тилларида ёзилган манбалардан хабардор бўлган. Бундай билим унга олти тилли ўзбек-араб-форс-турк-ҳинд-русча ноёб “Луғати-сита-ал-сина” луғатини яратиш имконини берди[4:21].

Тил маданияти муаммоси бағрикенглик ғоясининг муҳим таркибий қисми эди. Мунаввар қори Абдурашидхонов рус тилини билишни ҳар бир туркистонлик кишининг замонавий билим олиши, шунингдек, рус аҳолиси билан турли соҳаларда доимий мулоқот ва яқинлашишнинг зарурий шарти деб ҳисоблаган[25:7].

М.Бехбудийнинг “Бизга икки эмас, тўрт тил керак” [10:12-14] мақоласи ҳам тил плюрализмига бағишланган бўлиб, унда муаллиф аниқ мисоллар орқали чет тилларини билиш муҳимлигини исботлайди, чунки уларнинг билими нафақат савдо-сотик, балки саноат ва давлат хизмати фаолиятини амалга ошириш ва ҳатто диний таълимни ривожлантириш учун ҳам зарурдир. “Бугунги кунда бизга тўрт тилда ёзадиган ва гапирадиган одамлар керак, – деб ёзади М.Бехбудий, – яъни араб, рус, туркий ва форс тилларида. Дин учун араб тили қанчалик зарур бўлса, борлик ва фаровонлик учун рус тили ҳам зарур. Агар биз араб тилини билмасак, динимизни йўқотамиз, рус тилини билмасак, ҳаётимизни йўқотиб, дунёдан орқада қоламиз” [10:12-14].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, жадидлар фаолиятининг энг муҳим соҳаси ислом ва тараққиётнинг уйғунлиги ғоясини, мусулмон динининг жамият ва инсон тараққиётининг ўзаро боғлиқлиги муаммосига муносабатини назарий асослаш эди.

Умуман олганда, жадидларнинг жамиятни маънавий ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятини изчил ўрганиш улар ўз ватандошлари ўртасида диний бағрикенгликни тарғиб этишда таянган

қуйидаги тамойилларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

– Динлараро тотувлик жамиятда барқарорликни таъминлаш ва келажакда унинг муваффақиятли ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Ислом дини танловда мажбурлашнинг ҳар қандай кўринишини қоралайди, шунинг учун ҳар бир мусулмон ўз танлови билан бирга бошқа бировнинг танловини ҳурмат қилишга мажбурдир.

– Марказий Осиё жамиятининг ривожланиши, унинг маданий-техникавий турғунлик ҳолатидан чиқиши бошқа жамиятларнинг этник ва диний мансублигидан қатъи назар, фан, маданият ва техникадаги ижобий ютуқлардан унумли фойдаланиш билангина бўлади. Ислом нафақат бундай ўзлаштиришларни тан олади, балки уларни маъқуллайди, чунки тараққиётга интилиш бу диннинг моҳиятига хосдир. Шунинг учун, бу масалада ҳар қандай мунозарага асос йўқ бўлиб, жоҳиллик ёки ёмон ниятдан келиб чиқади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдунабиев А., Мандральская Н., Саидова М. Исторические корни толерантности в Узбекистане // Толерантность – фактор стабильности общества. (Материалы межвузовской научно-теоретической конференции). – Ташкент, 2003.
2. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ // Авлоний А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998.
3. Айн. Мим. Нодонликларимиздан шикоят // Ойна. – 1914. – № 41.
4. Алимова Д. А. Жадидчилик ва диний бағрикенглик // Тафаккур. 2005. № 4.
5. Алимова Д. Генетическая основа интеллектуально-социального протеста и слияние философских идей Запада и Востока в воззрениях джадидов // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиклолчилик). Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Маънавият, 2001.
6. Алимова Д., Рашидова Д. Махмудходжа Бехбудий и его исторические воззрения. – Ташкент: Маънавият, 1998.

7. Ахмад С. Мунаввар Қори // Шарқ юлдузи. – 1992. – № 5.
8. Бабаджанов Б.М. Русская колонизация Центральной Азии: взгляд местных интеллектуалов // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. Тексты выступлений на международной конференции организованной IFEAS при участии Гёте Института в 2003 г. в Ташкенте в рамках программы регионального сотрудничества (СОСОР) Министерства Иностранных Дел Франции. – Ташкент, 2004. – № 7.
9. Балдауф И. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Маънавият, 2001.
10. Беҳбудий М. Икки эмас тўрт тил лозим // Ойна. – 1913. – №1.
11. Беҳбудий М. Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий // Беҳбудий М. Танланган асарлар. 2 нашр, тузатилган ва тўлдирилган. – Тошкент: Маънавият, 1999.
12. Беҳбудий М. Таҳсил ва сафар замони ва таом // Ойна. – 1915. – № 10.
13. Беҳбудий М. Ҳақ олинур, берилмас // Хуррият. 1917. № 22. июль.
14. Брагинский И.С. О природе среднеазиатского джадидизма в свете литературной деятельности джадидов // История СССР. 1965. № 6.
15. Вахидова К.А. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно-историческое наследие.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002.
16. Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Хаджа. Мизан аз-Заман/ Предисловие Х. Коматцу, Б. Бабаджанов. – Ташкент-Токио, 2001.
17. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018.
18. Мирзиёев Ш.М. Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи // Янги Ўзбекистон. 2023 йил, 23 декабрь.
19. Тараққий. 1906, 12 август.
20. Unitilmas siymolar. Jadidchilik harakatining namoyandalari. – Tohskent: Akademiya, 1999.
21. Фитрат А. Нажот йўли (Рахбари нажот) / Масъул муҳаррир З.Чориев. Таржимон Ш.Воҳидов. – Тошкент: Шарқ, 2001.
22. Фитрат А. Ҳинд сайёҳи баёноти // Танланган асарлар. I жилд. Шъерлар, насрий асарлар, драмалар. – Тошкент: Маънавият, 2000.
23. Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли муддариснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси // Танланган асарлар. I жилд. Шъерлар, насрий асарлар, драмалар. – Тошкент: Маънавият, 2000.
24. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент, 2002. 3-жилд.
25. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Ф. И-47, оп.1, ж. 1149,